

переключателлар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланганда – электр энергияни ҳисобга олишнинг назорат асбоблари охирги алмаштирилган ёки уланиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

электр энергиясини ҳисобга олиш приборига истеъмолчининг айби билан зарар етказилганда (пломбаси бузилишига йўл қўйилган, ойнаси синган ва шу каби ҳолатлар) ёки электр энергияси айланиб чиқишда кўз билан аниқлаш мумкин бўлган бошқа усулда ўғирланган тақдирда – охирги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қийматини ҳисоб-китоб қилишда қоида бузиш аниқланишидан олдинги давр учун амалдаги тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилаётган вақтдаги тариф қўлланилади. Бунда I тариф гуруҳидаги Истеъмолчилар учун ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорининг қиймати ягона электр энергетикаси тизимининг максимал юкланиш соатларида амал қиласидаги тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб Таъминотчи корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртacha суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўртacha суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак ва шу вақт ичидаги ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар, электр энергияни ҳисобга олиш приборини объектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда (ўлчаш трансформаторининг, ҳисобга олиши приборининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати истеъмолчи ва худудий электр тармоқлари корхонасининг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Электр энергиясидан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қоидабузилишлар Таъминотчи корхона вакили ва Истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги белгиланган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси Истеъмолчига берилади ва Таъминотчи корхона томонидан ушбу Қоидаларни бузган Истеъмолчи электр курилмалари тармоқдан узиб қўйилади.

Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, қоида бузиш далолатномасида истеъмолчини таништирганлик тўғрисида белги қўйилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр курилмаларини Таъминотчи корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Таъминотчи корхонага истеъмол қиласидаги электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак